Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2002 йил 27 февраль, чоршанба

Сотувда эркин нархда
№ 41 (2869)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

## Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Республикада аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимидаги иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Зарур қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилган. Уй-жой мулкдорларининг ширкатларини шакллантириш жараёни фаол давом этмоқда. Уй-жой мулкдорларининг салкам 1400 та ширкатлари ташкил этилган бўлиб, кўп хонадонли жами уй-жой биноларининг 88 фоизи бошқариш учун уларга топширилган. Кўрсатилаётган коммунал хизматларга ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилиши учун коллектив масъулияти тизими яхшиланди. 1991 йилга қадар барпо этилган кўп хонадонли уй-жой биноларини капитал таъмирдан чиқариш дастурлари тасдиқланган.

Шу билан бирга уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятида қатор жиддий камчиликлар ва ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини зарур моддий-техника базаси, шу жумладан улар учун мўлжалланган хоналар, моддий ресурслар, асбоб-анжомлар билан таъминлашда уларга амалий кўмак ва ёрдам кўрсатиш, уйлар атрофидаги ер участкаларини қонун йўли билан бириктириб қўйиш, шунингдек зарур айланма маблағлар ажратиб бериш борасидаги ишларни ташкил этишга эътибор берилмаяпти. Оқибатда кўпгина уй-жой мулкдорларининг ширкатлари уй-жойларни жорий ҳамда капитал таъмирдан чиқариш, ободонлаштириш ишларини ўз вақтида ўтказиш учун етарлича маблағга эга эмаслар.

Зарур бўлган ташкилий тадбирларни ўтказмасдан, 1991 йилга қадар барпо этилган уй-жой биноларини аввал капитал таъмирдан чиқармасдан туриб уй-жой мулкдорларининг ширкатларини ташкил этиш ҳоллари мавжуд. Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида уйларнинг ичидаги муҳандислик коммуникацияларини ва уй-жой биноларининг умумфойдаланадиган жойларини капитал таъмирдан чиқариш ишлари жадвалдан анча орқада қолган ҳолда олиб борилмоқда.

"Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги Қонуни бажарилишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолияти учун қулай шароит яратиш, уй-жой фондини сақлашда ва ундан тегишлича фойдаланишни таъминлашда, таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида ўтказишда, уй-жойлар атрофидаги ҳудудни ободонлаштиришни яхшилашда мазкур ширкатларнинг ролини ошириш, шунингдек уларнинг моддий-техникавий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари хизматлар кўрсатишдан, шу жумладан ижарага топширилган мулкдан тушадиган даромадларидан 2007 йилга қадар бўлган даврда барча турдаги солиқлар ва бюджетга йиғимлар тўлашдан озод қилинсин, бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ўз айланма маблағларини тўлдиришга, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, уй-жой биноларини ҳамда уйларнинг ичидаги муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш, ҳудудни ободонлаштиришга йўналтирилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, кўп хонадонли уй-жой биноларида яшовчи аҳолидан коммунал хизматлар ҳақини йиғишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар мазкур хизматларни кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар томонидан уй-жой мулкдорларининг ширкатлари билан тузилади.

Коммунал хизматларни кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар коммунал хизматлар учун жорий тўловлар бўйича хомчўт қилинган тушумлар бажарилгани тақдирда уй-жой мулкдорларининг ширкатларига қуйидаги тартибда ажратмалар бериши белгилаб қўйилсин:

100 фоиз бажарилган тақдирда — тушган тўловлар суммасининг 15 фоизи;

75 фоиздан ортиқ бажарилган тақдирда — тушган тўловлар суммасининг 7 фоизи миқдорида.

Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари мазкур маблағлардан аниқ мақсадни қатъиян кўзлаган ҳолда уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ходимларини рағбатлантириш, уй-жой-коммунал хизматлари учун тўловлар бўйича мавжуд қарзларни тўлаш, шу жумладан хизматлар учун ҳисоб-китоблар бўйича кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, шунингдек уй-жой мулкдорларининг ширкатига бириктирилган уй-жой биноларини таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш борасидаги ишларни амалга оширишда фойдалансинлар.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2002-2006 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг корхоналари ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан, шунингдек ер участкаларини фуқароларнинг умрбод мерос бўлиб қоладиган эгалигига сотишдан тушадиган маблағлар (ер участкаларини сотиш тушумининг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига ўтказиладиган 5 фоиз миқдордаги ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказиладиган 5,5 фоиз миқдордаги маблағларидан ташқари) 1991 йилга қадар барпо этилган уй-жойларни реконструкция қилиш, уйларнинг ичидаги муҳандислик коммуникацияларини капитал таъмирдан чиқариш, турар-жой биноларининг умумфойдаланадиган жойларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун уй-жой мулкдорларининг ширкатларига берилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармонга мувофиқ амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 26 февраль.





Оқдарё туманидаги «Сам-Сар» қўшма корхонасида йилига 40 минг тонна сабзавот маҳсулотлари қайта ишланмоқда. Жорий йилдан бошлаб бу ерда ширин-шакар мевалардан шарбат ва мураббо тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади. Ана шу маҳсулотларнинг 2,5 минг тоннасини эса Ҳамдўстлик мамлакатларига экспортга чиқариш мўлжалланмоқда.

Шартномага мувофиқ, хомашёни асосан тумандаги ширкат ва фермер хўжаликлари етказиб бераяпти. Бундан улар қандай манфаат кўрмоқдалар? Ўтган йили қўшма корхона томонидан ширкат ва фермер хўжаликлари умумий қиймати 100 миллион сўмликдан ортиқ техника воситаларининг эҳтиёт қисмлари билан таъминланди.

*СУРАТЛАРДА: қўшма корхонанинг ижрочи директори Зиёдулла Дўсбеков; корхонанинг ташқи кўриниши.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Муборак Ийд ал-Адҳо кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан дўстона табрик ва биродарона тилаклар изҳор этиб, Сизга холис дуолар ила мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилайман.

Аллоҳ ушбу саховатли муносабатни Сиз, Жаноби Олийлари, дўст мамлакатингиз халқи ва барча мусулмон умматига хайр-баракот ила такрор қайтариши ҳамда барчамизнинг тилагимиз бўлган фаровонлик ва тўкин-сочинликни ато этишини сўрайман.

Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз,

Биродарингиз
Икки муқаддас масжид ходими

**Фаҳд бин Абдулазиз Ас-САУД,**
**Саудия Арабистони Подшоҳи**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Муборак Ийд ал-Адҳо кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилаган ҳолда, ўзимнинг самимий табрик ва тилакларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этмоқда.

Қодир Аллоҳ таолодан Сиз, Жаноби Олийларига хайр-баракот ила уни такрор қайтариши, дўст Ўзбекистон халқи ва мусулмон умматига фаровонлик, тўкин-сочинлик ва шону шуҳрат ато этишини сўрайман.

Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз,

Биродарингиз

**Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ас-САУД,**
**Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди,**
**Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, Миллий гвардия бошлиғи**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Муборак Ийд ал-Адҳо кириб келиши Менга Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилаш ва ўзимнинг самимий табрик ва дўстона қутловларимни йўллаш имконини бермоқда.

Аллоҳдан ушбу муборак муносабатни Сиз, Жаноби Олийларига хайр-баракот ва хурсандчиликлар ила такрор қайтаришини ҳамда дўст халқингиз ва мусулмон умматига доимий фаровонлик ва равнақ ато этишини сўрайман.

Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз,

Биродарингиз

**Султон бин Абдулазиз Ас-САУД,**
**Саудия Арабистони Подшоҳлиги Вазирлар Маҳкамаси раисининг иккинчи ўринбосари, Мудофаа ва авиация вазири**

(Давоми 2-бетда).

**Жойларда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.**

# Устувор йўналишлар белгиланди

## УРГАНЧДА

Хоразм вилояти халқ депутатлари Кенгаши сессиясида 2001 йилда Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва бозор ислоҳотларининг бориши ҳамда Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги нутқида қўйилган вазифалар муҳокама этилди.

Вилоят ҳокими И.Бобожоновнинг маърузасида ва сессия қатнашчиларининг чиқишларида таъкидландики, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, давом этаётган сув тақчиллиги ва бошқа қийинчиликларга қарамай, ўтган йили иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида салмоқли натижаларга эришиш имконини берди. Жумладан, асосий кўрсаткичлардан бири — ялпи ички маҳсулот 3,5 фоизга ўсди ва ўз навбатида ундаги кичик ва ўрта бизнес соҳаси маҳсулотининг улуши ҳам анча кўпайди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ўсиши учун шарт-шароит яратилган. Бу халқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича 8 миллиард 650 миллион сўмдан ортиқ даромад олиш имконини яратди. Бу эса 2000 йилдагидан 26 фоиз кўпдир.

Бироқ, ҳамма жойда ҳам аҳвол шундай эмас. Қатор йирик корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан ҳозирча фақат 10-20 фоизи ишлатилмоқда. Масалан, жорий йил бошига келиб пойабзал ишлаб чиқариш бўйича "Даритал" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси деярли тўловга лаёқатсиз бўлиб қолди. Ваҳоланки, бу ерда ўрнатилган қимматбаҳо хорижий ускуналар тўлиқ ишлатилса, қўшма корхона чет эллик кредиторлар билан вақтида ҳисоб-китоб қилибгина қолмай, ҳар йили республика ва маҳаллий бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар шаклида бир миллиард сўмгача тўлаши мумкин.

Вилоятда суғориладиган ерлар, сув ва энергия ресурсларидан нотўғри ва самарасиз фойдаланиш борасидаги камчиликлар ҳам бор.

Уч йилдан бери давом этаётган сув тақчиллиги шароитида, масалан, Янгибозор, Қўшкўпир ва Урганч туманларида ер соҳасидаги қонунчиликни қўпол равишда бузиш ва суғориладиган майдонлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, Гурлан ва Урганч туманларида мавжуд сув ресурсларига хўжасизларча муносабатда бўлиш ҳоллари учрамоқда.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари В.Отаев сўзга чиқди.

## НАМАНГАНДА

Вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва амалга оширилаётган ўзгаришлар ва 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришга бағишланган мажлиси материалларидан келиб чиқадиган масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Т.Жабборов маъруза қилди.

(Давоми 2-бетда).

# КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг "2002 йилда нақд пул эмиссияси даражаси ва касса режаси кўрсаткичлари тўғрисида", "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ҳамда "Ички истеъмол бозорини ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан тўлдиришга доир 2001-2005 йилларга мўлжалланган дастур"ида қўйилган вазифаларнинг бажарилиши каби масалалар муҳокама этилди.

Мажлисни мазкур комиссия раиси, Марказий банк раиси Ф.Муллажонов бошқарди.

Қайд этилдики, жорий йилнинг январь ойида мамлакатимизда пул тизимини янада мустаҳкамлаш тенденцияси давом эттирилди, нақд пул эмиссияси даражаси ой якунларига кўра, прогноз кўрсаткичларида кўзда тутилган 11,8 фоиз ўрнига 6,5 фоизни ташкил этди. Мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ҳам 1,3 бандга паст бўлди. Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида эса муомаладан нақд пул олишга эришилди.

(Давоми 2-бетда).

***Фермерлар фаолиятига туман ҳокимлиги, ширкатлар раҳбарлари, турли назорат органлари ва тузилмалари томонидан қонунсиз аралашиш, такрорлаб айтаман, қонунсиз аралашишдек номаъқул ишларга бутунлай, узил-кесил чек қўйиш вақти келди.***

(Президентнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқидан).

***Муаммо кўндаланг қўйилади***

# ЕР ИШЛАГАННИКИМИ Ё..?

Ўтган ҳафта мамлакатимиз Президенти Термизда Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида нутқ сўзладилар. Ислоҳотларни жорий этишдаги танг ҳолатлар Юртбошимиз чиқишларида рўй-рост таҳлил қилинди. Айниқса, мамлакатимизда меҳнатга яроқли аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан банд эканлиги, дунёнинг ривожланган давлатларида бу нисбат ниҳоятда оптималлиги ҳаётий мисоллар орқали халқимизга тушунтирилди.

Очиғини айтай, Президентимиз сўзлари мени қаттиқ ўйга толдирди. Нега ер билан ишлаш борасидаги вазифаларни қойил қилолмаяпмиз? Фақат Сурхондарёда эмас, бошқа жойларда ҳам кўзланган натижалар рўёбга чиқмаяпти. Барчага равшанки, инсон бу дунёга яхши яшаш учун, фаровон турмуш кечириш учун келади. Лекин яшашнинг ҳам йўллари кўп. Кўнглимдаги гап шуки, ҳар бир фуқаро бутун вужуди билан берилиб, инсоф ва диёнатни дилига тугиб, ҳалолпок меҳнат қилса юртимизга файзу барака инади. Хўш, амалда нима бўлаяпти? Ойнаи жаҳон орқали фермерлик ҳаракатининг афзалликлари ҳақидаги кўрсатувни кўрганда, қани энди, бизда ҳам фермерга эркинлик берилсаю, ўзимизни кўрсатиб ишласак, деган истак пайдо бўлади.

Республика фермерлар йиғилишида сўзга чиққан соҳа пешқадамлари ҳар бир фермер хўжалиги учун 50-80-100 гектардан экин майдони ажратилса яхши самара беришини айтишди. Биз эса лоақал 25-30 гектар майдонда ишлашни орзу қиламиз. Шундай бўлса, ҳар бир фермер хўжалигининг ҳисоб рақамида сармоя бўлади, секин-аста техника сотиб олишга ҳам имкон туғилади.

Амалда ислоҳотларнинг юришиб кетмаётганлигига сабаб ҳамон жойларда фермер хўжалигига қишлоқ хўжалигидан бехабар, умуман ер билан ишламаган, тасодифий кишилар мутасаддилик қилишаётганлигидир. Шу ўринда бир-бирига ўхшамайдиган иккита мисол келтирмоқчиман. Туманимиздаги Навоий номли ширкат хўжалигида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ҳаётий тажрибаси бой, инсофли, иймонли инсон Ҳусанбой Араббоев бошқаради. Бу одам ишга киришгач, чорва моллари сони кўпайди. 2001 йил охирига келиб ушбу хўжаликда 627 бош қорамол, шундан 168 бош сигир боқиларди. Ҳар бош говмушдан 3994 килограммдан сут олинди, 98 тонна гўшт етиштирилди. Агар



адашмасам, чорвачиликда юқори натижаларга эришаётган бундай хўжаликлар республикада унча кўп эмас. Мен мазкур фермер хўжалигига атай бориб қилинаётган ишлар билан қизиқдим. Маълум бўлишича, шунча чорва моллари боқилаётган жойда озуқа етиштириш учун атиги 183,2 гектар экинзор ажратилган экан. Мулоҳаза шундан иборатки, ана шундай фидойи фермерларга кенг йўл очиш, яхши шароит яратиб бериш керак.

Энди «Гулзоробод» ширкат хўжалигидаги аҳвол ҳақида гапириб берай. Бу ерда хўжаликнинг собиқ раиси ўз ўғлига чорва молларини хусусийлаштириб берди. Натижада 2001 йилнинг декабрь ойига келиб атиги 73 бош қорамол, шундан 35 бош сигир қолди. Ҳар бош сигирдан 1500 килограммдан сут соғиб олинган. Шунча чорвага 97,5 гектар ер банд қилинган. Юқоридаги икки мисол одамларда савол туғдиряпти: нега бирор раҳбар чорвани тамом қилган фермердан жавоб талаб қилмайди?

Азбаройи беҳуда кетаётган ернинг умрига ачиниб, шу жойдан фермерлик фаолияти юритиш учун ер сўраб 1999 йили «Гулзоробод» ширкат хўжалиги раисига мурожаат қилгандим. У киши «Оқ олтин» хўжалиги ҳудудидан Ойдинкўл деган жойни таклиф этди. Аммо у ерда деҳқончилик қилиш шароити йўқ эди. 1999-2001 йиллар мобайнида 14 гектар ерда чигит экиб, ўртача ҳосилдорликни 34-38 центнерга етказдим. Ниҳоят 2001 йилнинг 24 ноябрида даламиз ёнидаги 9 гектар ерни қўшиб беришни сўраб туман ҳокимига бордим. Афсуски хўжалик ва ҳокимлик мени фақат сарсон қилишди. Бунинг устига ушбу хўжаликда ҳамон эскича ишлаш давом этаяпти. Бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган бирорта кичик корхона йўқ. Айни пайтда дурадгор, сувоқчи, сандиқчи, пайвандловчи, косиб каби мутахассислик эгалари анчагина. Лекин уларга иш ўрни яратиш ҳақида ҳеч ким ўйламайди. Бозорда 25 та гўшт дўкони бор. Уларда сўйилаётган молларнинг терисини қайта ишлаш йўлга қўйилса ҳам анча-мунча фойда кўрилган бўларди.

Мана, баҳор ҳам бошланай деб қолди. Аммо аризамни қониқтирадиган бирор мардни тополмаяпман. Ҳоким ҳузурига кирсам «Марҳамат, «Янгиобод» хўжалигидан ер беришимиз мумкин», дейди. Ахир бир жойда яшаб, бошқа жойда ишлаш имкони йўқлигини ким ҳам билмайди дейсиз? Ниҳоят, ҳоким «Қаерга арз қилсангиз — ихтиёрингиз, сизга ер йўқ», деган жавобни айтди. Ажабо, халқнинг тақдири топширилган лавозим эгаси одамлар билан бундай оҳангда гапиришга қандай журъат қиларкин? Ишлайман, меҳнатда ўзимни кўрсатаман, деган одамга шундай муносабат қилиш мумкинми?

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағишланган мажлисида «Ерни ўпиб юрган одам фермер бўлсин», деган гапни айтганларида бутун вужудим жонланиб кетди. Қани энди, жойлардаги раҳбарлар ҳам ўз халқи етакчисининг ана шу талабини дилига тугиб ишлашса. Ана ўшанда мустақил диёримиз тупроғи янада гуллаб-яшнаган, халқимиз ҳаёти бундан-да фаровонлашган бўларди.

**Тўлаган ЭРГАШЕВ,**
**Чиноз туманидаги «Тўлаган Эргашев» фермер хўжалигининг раҳбари.**

# МАТБУОТНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари вакилларининг давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда радио ва телевидение, ахборот агентликлари раҳбарлари, етакчи газеталар бош муҳаррирлари, бош муҳаррир ўринбосарлари, таҳририятларнинг иқтисодиёт ва аграр масалалар билан шуғулланувчи бўлим мудирлари, мухбирлар иштирок этди.

Анжуманда Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган йиғилишида, шунингдек, Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида қўйилган масалаларнинг ижроси оммавий ахборот воситаларида қандай акс этаётгани хусусида гап борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби Рустам Жумаев анжуманда сўзга чиқиб, бозор муносабатларига ўтиш, хусусийлаштириш, умуман ислоҳотлар жараёнини тўлақонли ёритишда журналистларда ҳар доим ҳам касбий малака етишмаётанини таъкидлади. Айни вақтда воқеа, ходисалар таҳлили саёз, баъзан бир ёқлама ёритилиши, жойларда содир этилаётан қонунбузарликларга нисбатан муросасозлик кўзга ташланаётганига эътиборни қаратди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, матбуот кузатувчи эмас, жараёнларнинг фаол иштирокчиси, йўналтирувчи бунёдкор куч бўлиши керак.

Оммага мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, молиявий сиёсат моҳиятини содда, равон, тушунарли тилда етказмоқ зарур. Табиий захираларимиз — ердан, сувдан оқилона фойдаланиш, газ, электр энергиясини истифода этишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик ҳаёт талаби эканлигини тушунтириш бугунги матбуотнинг долзарб масалаларидандир.

Давра суҳбати иштирокчилари кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**(ЎзА).**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Ийд ал-Адҳо байрами муносабати билан Афғонистон халқи, муваққат ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига, ҳукуматингизга ва биродар Ўзбекистон халқига энг самимий табриклар йўллашдан бахтиёрман.

Халқларимиз манфаатларига хизмат қилувчи икки томонлама дўстона алоқалар ва ҳамкорлик минтақа ва жаҳонда тинчлик ўрнатиш ишига улкан ҳисса қўшаверишига ишончим комил.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон Республикаси халқига равнақ ва мамлакатингизнинг янада тараққий этишида улкан муваффақиятлар тилаб қоламан.

Эҳтиром билан,

**Ҳамид КАРЗАЙ,**
**Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Ислом Каримов,

Сизни ва биродар ўзбек халқини муборак Қурбон байрами муносабати билан самимий табриклайман. Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва саодат, Ўзбекистон халқига эса тинчлик, осойишталик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром билан,

**Ҳайдар АЛИЕВ,**
**Озарбойжон Республикаси Президенти**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Муборак Қурбон байрами муносабати билан Сизга ўзимнинг энг самимий тилакларимни йўллайман.

Қодир Аллоҳ Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ ва бахт, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик, хурсандлик ва равнақ ато этсин.

Эҳтиром билан,

**Сапармурод НИЁЗОВ,**
**Туркманистон Президенти**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Мусулмонларнинг улуғ байрами - Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни ва қардош Ўзбекистон халқини Қирғизистон Республикаси халқи ва шахсан ўз номимдан самимий муборакбод этаман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, ўзбек халқига эса тинчлик, омонлик ва равнақ тилаб билдирган самимий истакларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

**Асқар АКАЕВ,**
**Қирғизистон Республикаси Президенти**

# Устувор йўналишлар белгиланди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида ижобий ўзгаришларга эришиш билан бирга жиддий камчилик ва хатоларга йўл қўйилгани таъкидланди. Жумладан, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш борасида. Чунончи, Мингбулоқ, Косонсой, Поп, Уйчи, Янгиқўрғон туманларининг баъзи хўжаликларида ер майдонларининг бир қисми ўтган қишлоқ хўжалик мавсумида кўзланган мақсадда ишлатилмади. Бир хил агротехник ҳолатда бўлган ерлардан турли ҳажмда ҳосил олиш ҳоллари ҳамон учрамоқда. Умумий бебаҳо бойлигимиз — сувдан ҳам тежаб-тергаб фойдаланиш лозим.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг истеъмол бозорини маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдиришга қўшаётган ҳиссаси йилдан йилга ортиб бормоқда. Лекин у янада салмоқли бўлиши мумкин ва шарт.

Йиғилиш қатнашчилари газ, сув, электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш тўғрисида сўз юритди. Шунингдек, 2002 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг бошқа устувор йўналишлари ҳам белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г.Саидова сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

# Ўқувчи ёшларнинг илмий салоҳияти юзага чиқмоқда

Халқимизда истеъдодсиз бола бўлмайди, ҳамма гап ана шу истеъдодни тарбиялаб юзага чиқаришда, деган гап бор.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этиб минг-минглаб ватанимиз ўқувчи ёшларидаги истеъдодни, ички қувват тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратилишига асос бўлди.

Биргина ҳудудларнинг жуғрофий ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида бунёд этилган юзлаб замонавий академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қисқа вақт ичида мазкур ҳудудларнинг маърифат, маънавият, илм-фан, бир сўз билан айтганда тараққиёт ўчоқларига айланди.

Кеча республика Фан ва техника давлат қўмитаси биносида ўз ишини бошлаган мамлакатимиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг иккинчи босқичи вазифалари: табиий фанларни ўқитишда таълим ва фан интеграцияси» мавзусидаги биринчи илмий конференцияси бизга айни ана шундай хулоса чиқаришга изн беради. Таъкидлаш лозимки, қисқа вақт ичида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ўқувчи-ёшларнинг илмий ижодиётини ҳар томонлама ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш механизми яратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Фан ва техника давлат қўмитаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорликда ташкил этган табиий фанларни ўқитишда таълим ва фан интеграциясига бағишланган мазкур биринчи илмий конференцияда мамлакатимиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 150 нафар ўқувчиси ўз илмий тадқиқот ишлари билан иштирок этмоқдалар. Шуниси қувонарлики, мазкур янги таълим муассасаларининг ўқувчилари қисқа вақт ичида устозлари берган билим ва кўникмалар, таълим муассасаларидаги моддий-техник база ва яратилган илмий муҳит туфайли мана шундай илмий конференцияларга лойиқ тадқиқот ишларини амалга оширдилар. Ўзбекистон Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси, олий таълим муассасаларидан ташриф буюрган 40 нафардан ортиқ юқори малакали мутахассислар академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг информатика, физика, кимё ва биология борасидаги тадқиқотларини ва илм-фан ривожи йўлидаги дадил ҳаракат ва изланишларини юксак баҳоламоқдалар.

Конференцияда иштирок этган таниқли олимлар ва мутахассислар академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг табиий фанларни ўқитишда таълим ва фан интеграцияси мавзусидаги мазкур илмий анжуманнинг аҳамиятини таъкидлар эканлар, келгусида нафақат табиий балки бошқа фанлар доирасида ҳам мана шундай илмий конференцияларнинг ташкил этиш заруратини таъкидлаб ўтдилар.

Конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев иштирок этди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАСЛАҲАТ ҲАМ, ЙЎЛ-ЙЎРИҚ ҲАМ ТЕКИН

*Ташаббус сўнмасин!*

**Ажабланманг, Қашқадарё вилояти фермерлари бугун шундай имкониятдан фойдаланмоқдалар. Янги хизматнинг ташаббускори, ташкилотчиси эса Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти доценти Абдуҳамид Абдувалиевдир. У — тиниб-тинчимас, жонсарак киши. Америкада бўлиб, ушбу мамлакатнинг иқтисодиётини, айниқса, агробизнес соҳасини чуқур ўрганган олим. «Уфқ» бизнес инкубатори орқали «ЕвроОсиё» жамғармасининг грантини олган, Қишлоқ хўжалик ахборотини тарқатиш марказини тузган. «Хўш, нима бўпти, бундан фермерларга нима фойда?» дейишингиз мумкин. Аммо фермерларнинг фикри бошқача. Масалан, Қарши туманидаги «Жаҳонгир Мирзо» фермер хўжалиги раҳбари Зиёдулла Ражабов ментор-маслаҳатчининг гапига кириб, пахтадан ҳам, ғалладан юқори ҳосил олишга эришди. Бошқача айтганда, илгари 1 гектар ердан 20 тонна помидор етиштирган бўлса, бултур бу кўрсаткични 80 тоннага етказди. Бунинг эвазига 2 миллион сўм фойда кўрди.**

— Энг яхши томони шуки, — дейди у, — ментор-маслаҳатчи сиздан ош-нон талаб қилмайди. Маслаҳати ҳам, йўл-йўриғи ҳам текин, ҳуқуқий тавсиялари ҳам бепул. Ҳатто керак бўлса, сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳам ҳимоя қилади. Бундай беминнат хизмат қаерда бор? Ҳеч қаерда.

Фермернинг айтганича бор. Вилоятда бундай хизмат ўтган йили жорий этилди. Лойиҳа бўйича уч туман — Қарши, Яккабоғ ва Шаҳрисабздан турли кўрсаткичларга эга бўлган 35 та фермер хўжалиги танлаб олинди. Ҳар 5 фермер хўжалигига бир нафардан агроном-маслаҳатчи ажратилди. Улар, албатта, танлов асосида саралаб олинди. Бундан ташқари, иқтисодий соҳалар — бухгалтерия, солиқ, кредит, менежмент, маркетинг, банк ишини режалаштириш бўйича ҳам ментор-маслаҳатчилар йил давомида фермерларга кўмак беришди. Ҳуқуқшунос (адвокат) эса фермерларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилди.

— Бунақаси ҳали бўлмаганди, — дейди Яккабоғ тумани деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллиги директори Даврон Шовриқов. — Абдуҳамид Абдувалиев бошчилигида «ЕвроОсиё» гранти координатори Б.Сатторов, менторлар Н.Эшонқулов, Ю.Рўзиев, Х.Қурбонов, ҳуқуқшунос И.Ҳайитов, иқтисодчилар Н.Бозоров ва А.Назаров 2001 йил 1 февралдан бошлаб туманимиздаги фермерларга агробизнес сирларини ўргатишди, уларга амалий ёрдам кўрсатишди. Оғзаки ва ёзма равишда илмий асосланган маслаҳат, йўл-йўриқ, тавсиялар берилди. Натижада ўтган йили 15 нафар фермер улар билан ҳамкорлик қилган бўлса, бу йил хоҳловчилар сони 40 нафарга етди.

Зиёдулла Ражабов бир варақ оппоқ қоғозни қўлимизга тутқазди-да, «ўқинг», деди. Ўқиймиз: «Арпа экканерингиз текисланмаган. Унинг кунчиқар тарафига кўпроқ гўнг солинг. Шунда сарғайиб ётган арпа майсаси тез ривожланади. Зовур атрофида анча ер бўш ётибди. Ҳеч бўлмаса, бу жойга терак экиш мумкин...»

— Кўраяпсизми, — кулимсирайди фермер, — тавсия аниқ. Ортиқча гап, расмиятчилик йўқ. Бари керакли. Вақтни ҳам олмайди. Шартнома бўйича бир ойда бир марта уларнинг йиғилишига қатнаб, нима олдим денг? Эртаки помидор етиштиришни ўргандим. Помидор кўчатини қоғоздан ясалган стаканда кўкартириш орқали 40 кун ютдим. Ва йил бўйи мўл ҳосил олдим. Зовур атрофидаги бўш жойни ўзлаштириб, 1000 туп терак экдим.

У яна бир воқеани сўзлаб берди.

— Бир куни Абдуҳамид Абдувалиевдан «Бошқалардан бизнинг кам жойимиз борми? деб сўрадим. «Бор, — деди у. — Тўғри, ўлиб-тирилиб ишлайсизлар. Аммо билимларингиз йўқ». Ўшанда унинг гапи оғир ботувди. Энди ўйлаб қарасам, тўғри айтган экан. Мен уларнинг айтганини қилиб, ўтган йили кам бўлмадим.

Қишлоқ хўжалик ахборотини тарқатиш маркази томонидан фермер хўжаликларига йил давомида етказиб берилган маълумотлар рўйхати узундан-узоқ. Унда «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Қонундан тортиб, турли хил шартномалар нусхалари, молиявий ҳолат таҳлили, бухгалтерия ҳисоби, бизнес-режа, лизинг тўловлари, Солиқ кодекси, агробизнес маркетинги, кредит олиш, қайта ишлаш корхоналари очишда керак бўладиган ҳужжатлар нусхаларигача бор. Бундан ташқари, чигитни экиш, ғўзани суғориш, уни ўстириш технологияси, зараркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича аниқ тавсиялар берилган. Абдуҳамид Абдувалиев бу маълумотларни тайёрлаш, замонавий қишлоқ хўжалик технологияларини фермерларга етказишда Интернетдан ҳам фойдаланмоқда. Фақат шугина эмас. Марказ фермерлар учун семинарлар ҳам ўтаётир. Бу семинарларда эса «Винрок интернейшнл» халқаро жамғармаси вакиллари иштирок этмоқда.

Булар Абдуҳамид Абдувалиевнинг ўтган бир йил давомида амалга оширган ишларидан бир шингил, холос. У бу йил ҳам янги режалар билан тўлиб-тошиб юрибди: «ЕвроОсиё» жамғармаси билан ҳамкорликда фермерлар учун янада кўпроқ қулайликлар яратиш ниятида. Ўйлаймизки, бунга эришади. Чунки у баландпарвоз гапларни ёқтирмайди, бўладиган гапни айтади. Энг асосийси, ўз манфаатини эмас, фермерларнинг фойдасини кўзлайди. Бу эса охир-оқибатда фермерларга катта фойда келтиради. Қанийди, бошқалар ҳам Абдуҳамид Абдувалиевдек иш тутсалар, ислоҳотнинг одимлари янада тезлашарди, албатта.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга республикамизнинг айрим минтақаларида, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида нақд пул эмиссияси даражаси юқорилигича қолаётгани кўрсатиб ўтилди. Мазкур ҳудудларда истеъмол бозорларини зарур товарлар билан тўлдириш, пулли хизматлар турларини кенгайтириш ва улар сифатини яхшилаш борасидаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаётгани оқибатида нақд пул тушуми ҳажмини ошириш таъминланмаётгани танқид қилинди. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг ушбу масалага шахсан жавобгарлиги белгилаб қўйилган.

Ушбу масала бўйича ҳудудий комиссиялар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Сурхондарё вилояти Пул-кредит сиёсати комиссиясининг 2001 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилганда, ўтган давр мобайнида ҳудудий комиссия ишида айрим камчиликларга йўл қўйилгани таъкидланди. Хусусан, вилоятнинг Бойсун, Музробод, Қизириқ, Қумқўрғон, Олтинсой, Бандихон туманларида нақд пул эмиссияси даражаси юқорилигига қарамасдан вилоят Пул-кредит сиёсати комиссияси томонидан ушбу туманларда мазкур кўрсаткични пасайтириш юзасидан етарли чора-тадбирлар кўрилмаган.

Мажлисда Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари, ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссияси раиси А.Худойқуловга комиссиянинг 2001 йилдаги иш фаолияти қониқарсизлиги кўрсатиб ўтилди. Унинг зиммасига юқорида қайд этилган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш, айбдор раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ҳудудий комиссия мажлисида алоҳида кўриб чиқиш вазифаси топширилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг "Биржадан ташқари валюта бозорини эркинлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Ўзсаноатқурилишбанк", "Ўзуйжойжамғармабанк", "Асакабанк", АБН Амробанк, "Пахтабанк" ва "Авиабанк"ларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган халқ истеъмоли товарлари, дори-дармонларни импорт қилиш билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотларга чет эл валютасини сотиш тартибига риоя қилиниши ва 2001 йилнииг иккинчи ярмига мўлжалланган лимитлардан мақсадли фойдаланиш аҳволи кўриб чиқилди.

Мазкур масала юзасидан ушбу ваколатли банклар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Уларнинг зиммасига ҳукуматнинг мазкур қарори талабларининг оғишмай бажарилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган халқ истеъмоли маҳсулотлари ва дори-дармонларга бўлган эҳтиёжларини қондириш юзасидан тегишли ташкилотлар билан биргаликда мунтазам равишда зарур чора-тадбирларни кўриб бориш вазифаси топширилди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — ЭЪТИБОРДА

«Муборакнефтьгаз» конлари бошқармаси мамлакатимиздаги йирик иншоотлардан бири бўлиб, бу ерда нефть ва газнинг асосий қисми қазиб олинаётир. Хомашё эса Кўкдумалоқ компрессор станцияси орқали қайта ишлаш заводларига пешма-пеш жўнатилмоқда.

Бошқармада ишчи-хизматчиларга етарли шароит яратиб берилган. Асосий эътибор уларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилмоқда. Шу боис юқори даражадаги меҳнат унумдорлигига эришилаяпти.



***СУРАТДА: Кўкдумалоқ кони газ тайёрлаш қурилмасининг бошлиғи Азамат Шоймардонов, кон раҳбари Нурилло Қурбонов ва ишчи Равшан Усмоновлар.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Фармон ва шарҳ*

# СУҒУРТА — иқтисодиётни ҳимоялаш ва ривожлантиришнинг муҳим омили

**Жорий йилнинг 31 январида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Фармони эълон қилинди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, суғурта тизимининг бугунги кундаги ўрни ва вазифалари тўғрисида "Кафолат" давлат акциядорлик суғурта компанияси бош директори Шерали ИМОМОВ билан суҳбатлашди.**

— Аввало шуни айтиш керакки, давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида суғурта тизимини жадал ва самарали ривожлантириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган, ушбу муаммони ҳал этиш борасидаги асосий вазифаларни аниқ ва равшан кўрсатиб берган эди. Чунончи, юридик ва жисмоний шахсларга суғурта қилишда имтиёзли шароит яратиш, янги қудратли суғурта компанияларини шакллантириш ҳамда уларнинг паст даражадаги суғурта фоизи ставкаларини қўллаши орқали суғурта бозорини илдам ривожлантириш кераклиги ғояси илгари сурилган эди.

Юқоридаги Фармон шу ғоянинг амалий ифодаси бўлиб, унда суғурта ташкилотларига қулай имтиёзлар, жумладан, даромад солиғи тўлашдан 3 йил муддатга озод этиш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини оширишни таъминлаш кўзда тутилган. Айни вақтда юридик мақомдаги тадбиркорларни суғурталашга кетган харажатларни даромад солиғини ҳисоб-китоб қилиш чоғида муайян меъёрлар доирасида солиққа тортиладиган база ҳисобидан чегириб ташлаш асосида рағбатлантириш белгиланган. Бу тадбир ҳам суғурта тизимини ривожлантириш, ҳам тадбиркорларнинг суғуртага қизиқишини рағбатлантириш ва уларни ҳимоялашга қаратилган.

Бундан ташқари, энди экспорт қилувчининг сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан ҳимоя қилинганлигини тасдиқловчи суғурта полиси берилиши асосида устувор тармоқ бўлмиш экспорт фаолиятини тезлаштириш учун қулайлик яратилди. Умуман, мамлакатимизда қудратли суғурта тизимини шакллантириш зарурияти ушбу тармоқнинг бозор иқтисодиёти шароитида ривожланиш табиатидан келиб чиқади.

— Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта тизими фаолиятининг мазмун-моҳияти нималардан иборат?

— Бундай шароитда суғурта тизими молия-кредит соҳасининг ажралмас қисми сифатида иқтисодиётни барқарорлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Суғурта ташкилотларининг умумий маблағи миллий иқтисодиёт захира жамғармасининг ўз-ўзини ривожлантирадиган турларидан биридир. Шу боис тараққий этган мамлакатларда суғурта иқтисодиётнинг етакчи бўғини ва жамиятни ҳимоялашнинг муҳим омили сифатида тан олинган. Қолаверса, мазкур тармоқ ижтимоий тараққиётнинг кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда бугунги кунда шаклланаётган суғурта тизими ўз мазмун ва моҳияти жиҳатидан аввалги суғурта тизими табиати ва хусусиятларидан тубдан фарқ қилади. Одатда, кўпчилик, шу жумладан, суғурталовчилар ҳам суғуртани фақат ҳимоя воситаси сифатидагина тушунади. Аслида, суғуртанинг бир-бири билан узвий боғланган учта вазифаси мавжуд. Биринчи ва энг асосий вазифа — иқтисод ва аҳолини ҳимоя қилишдир.

Суғурта тизимининг иккинчи вазифаси — ҳимоялаш кўламида давлат томонидан амалга ошириладиган ижтимоий ҳимоянинг айрим йўналишлари бўйича ўзига хос иқтисодий эксперт тизими вазифасини ўташ ҳамда молиялаш асосида фавқулодда табиий офат ва ҳодисаларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат. Суғурта тизимининг учинчи вазифаси эса — инвестицион фаолият асосида иқтисодни ривожлантиришга хизмат қилишдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республика суғурта сектори жадал ривожланаётган тармоқлар сирасига киради. У иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан анча тез суръатлар билан ривожланмоқда. Янада аниқроқ айтганда, тизимнинг ўсиш суръати саноат ва хизмат соҳаларидагига нисбатан анча тез. Жумладан, "Кафолат" давлат акциядорлик суғурта компаниясида ўтган 2001 йилда аҳолига, корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатиш ҳажми 2000 йилга нисбатан 1,6 баробар, суғурта тушумлари эса 134,2 фоизга ўсди.

Шу билан бирга, бугунги кундаги талаб, жумладан, мамлакатимизнинг суғурта тизими тарафидан ўзлаштирилмаган улкан иқтисодий-ижтимоий салоҳияти мазкур тизимнинг кўламини кескин ривожлантиришни талаб этмоқда. Негаки, ўсиш суръати жадал бўлишига қарамай, суғуртанинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши тараққий этган мамлакатлардаги кўрсаткичга нисбатан таққослаб бўлмайдиган даражада оз. Шу боис суғурта ҳали иқтисодиётни ва аҳолини ҳимоя қилишнинг юқори самарали тизимига айланганича йўқ.

Менимча, суғурта ривожига қўйилаётган асосий талаб шуки, бу тармоқ ҳам худди банк тизими сингари тез такомиллашиб бормоғи лозим. Зеро, банк соҳаси мустақиллик йилларида катта ютуқларга эришди. Бунинг асосий сабаби — давлатимиз бош ислоҳотчи сифатида бу тизимга тегишли барча ташкилий-ҳуқуқий ва қулай имтиёзли иқтисодий шарт-шароитларни яратиб берди.

— Шу ўринда яқинда умумхалқ муҳокамасига тақдим этилган "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси, янги қонуннинг қабул қилиниши зарурати тўғрисида фикрингизни билдирсангиз.

— Суғурта фаолиятини ривожлантириш стратегиясининг бевосита мавжуд қонунларга асосланиши ҳаётий зарурат ва муҳим шартдир. Қонунчиликни иқтисодий, хусусан, суғурта фаолиятидаги ислоҳотларда муҳим пойдевор вазифасини ўташини биргина 1993 йилда МДҲ ҳудудида биринчилар қаторида қабул қилинган "Суғурта тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Мазкур қонун иқтисодий фаолиятга тааллуқли бошқа бир қатор қонунлар билан биргаликда суғурта фаолиятида сифат жиҳатидан тамомила янги босқичнинг ривожланишига асос солган ва шу асосда суғуртанинг яккаҳокимлигига барҳам берилган эди.

Энди Олий Мажлис томонидан бу борада янги "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Хўш, бугунги кунда янги қонунни қабул қилиш нега керак бўлди, деган савол туғилади. Энг асосий сабаб — иқтисодиётимизни босқичма-босқич жадал ривожлантиришга эришиш учун унинг пойдеворини ҳам босқичма-босқич такомиллаштириш зарур бўлади. Ҳозирги кунда турли мулк шаклидаги 30 га яқин суғурта компаниясига эга мамлакатимизда суғурта бозорида сифат жиҳатидан тубдан фарқ қилувчи янги вазифалар ва муаммоларни ҳал қилиш зарурки, улар ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтишдаги янги босқичига ҳамоҳанг бўлиши, қолаверса, жаҳон ҳамжамияти билан бўлган иқтисодий алоқаларни суғуртага бўлган халқаро андозалар талабига тўлақонли равишда жавоб бериш имкониятини ошириш каби долзарб масалани ҳал қилиш билан боғлиқ.

Шундай қилиб, суғурта фаолияти тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши зарурати мамлакатимизда мустақил давлат қурилиши ва бозор иқтисодиётига ўтишда янги босқичнинг ривожланиши билан бевосита боғлиқ.

— Келажакдаги иқтисодий ва стратегик вазифаларнинг устувор йўналишларини ривожлантиришда суғурта тармоғининг иштироки қандай кечади?

— Бугунги кунда устувор аҳамиятга эга бўлган барча тармоқларнинг фавқулодда вазият ва табиий офатларга бардошли бўлишини таъминлаш вазифасини ҳал этишда суғурта тизимининг аҳоли ва иқтисодиётни ҳимоя қилишга хизмат қиладиган бошқа соҳалар билан ҳамкорлик асосида фаолият кўрсатиши муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт давлат дастурлари ишлаб чиқарилаётганда ва амалга оширилаётганда суғурта тизимининг фаоллигини ошириш лозим.

Кенг аҳоли оммаси ва барча мулкчилик шаклларидаги корхона ташкилотларини суғуртага жалб этилишини таъминлаш мақсадида илғор хориж тажрибаси ҳамда мамлакатимиз аҳолиси ва корхоналарининг ўзига хос бўлган ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда суғуртанинг янги ва жозибадор турларини жорий этиш, узоқ муддатли ҳаёт суғуртасини жадал ривожлантириш учун тегишли услубий ва амалий асосларни яратиш ва амалга ошириш каби масалаларни ҳал қилиш лозим бўлади.

Бундан ташқари, суғурта аҳолининг мол-мулки, ҳаёти ва саломатлигини ихтиёрий суғурталаш бўйича суғурта мукофотларини нақд пул билан тўплаш орқали суғурта хизмати ҳажмини ошириш йўли билан инфляция жараёнларини бир мунча юмшатиш каби стратегик вазифаларни ҳал этишда ҳам фаол иштирок этиши мумкин.

Суғурта кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кўпайтириш учун зарур хизматлар турини шакллантириш жараёнларида фаол иштирок этиши лозим. Бу инвестициявий лойиҳаларга суғурта ҳимояси мажмуи ва кичик ҳамда ўрта бизнесга имтиёзли шартларда суғурта хизмати кўрсатишдан иборат бўлиши мумкин. Шу билан бирга, юқорида айтганимиздек, банк тузилмалари билан фаол ҳамкорлик қилган ҳолда, уларнинг инвестиция соҳасини кенгайтириш орқали кейинчалик бу ресурслар билан иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ҳамда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожини жадаллаштириш мумкин бўлади.

**ЎзА мухбири Норгул АБДУРАИМОВА суҳбатлашди.**



2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

# ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Қарияларни қадрлаш йили», давлат дастури тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши айни муддао бўлди. Бу аслида мустақиллик йилларида халқимиз ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар моҳиятини ифода этади. Зеро, кексаларини улуғлаган юртдан ҳеч қачон файз, қут-барака аримайди. Ахир, улар эмасми, ёш авлодга ҳаётий намуна кўрсатиб йўлимизни, эртанги кунимизни нурафшон этган иймони бутун зотлар?

Қоракўллик Райим Худойқулов элнинг назарига тушган инсонлардан саналади. Отахон 70 ёшни қоралаб қолган бўлса-да, ҳамон меҳнат оғушида. У оддий ғишт терувчиликдан жамоа раҳбаригача бўлган йўлни босиб ўтди. Туманда кўплаб қад ростлаган иншоотлар, чунончи, марказий касалхона, хўжалик бошқарувининг янги идораси, ўзи яшаётган Сорт қишлоғидаги қўш қаватли мактаб биноси, болалар боғчаси, поликлиника спорт майдончалари қурилишида унинг муносиб ҳиссаси бор. Хомчўт қилиб кўрса, Райим қурувчи 30 га яқин йирик иншоотларнинг қад ростлашида фаол иштирок этибди.

Меҳнат қилган элда азиз. Республикамиз Президентининг Фармони билан Р. Худойқулов «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Ундан сал аввалроқ туманда биринчилар қаторида «Республикада хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвонига сазовор бўлган эди.

Райим ота нафақага чиққач давлат берган нафақа билан уйда оёғини узатиб хотиржам, яшаши мумкин эди. Аммо тиниб-тинчимас отахон бу йўлни танламади. Ўғиллари Шоймжон, Қурбонбой, Муҳаммаджон, Олтибой, Баҳодиржонларга бош-қош бўлиб, томорқа имкониятларини амалда кўрсатишга бел боғлади. Ҳозирги кунда улар тасарруфидаги ер майдонидан мўл-кўл ҳосил етиштирилмоқда. Ҳалол меҳнат туфайли рўзғор обод, оила дастурхони тўкин.

Райим отанинг яна бир хислати бор. У ҳам бўлса, етим-есирлар, бева-бечоралар, якка-ёлғизларга қайишувчанлигидир. Отахон турли байрамларда уларга совға-саломлар улашади, бир пиёла чойга таклиф этади. 9 нафар фарзанди, 40 дан зиёд невараси, 10 нафар эварасига ҳам ана шундай хислатларни сингдиришга ҳаракат қилади. Томорқасида етиштирилган картошка, мева-чеванинг бир улушини қишлоқдошларига илинади. Мактаб ўқувчилари, боғча тарбияланувчилари, Меҳрибонлик уйидаги болалар ҳам унинг доимий мурувватидан баҳраманд.

— Биласизми, ўғлим, — дейди отахон, — бу олам биз учун имтиҳондир. Инсон ўзидан яхши ном, яхши иш қолдириши лозим. Буни ҳамқишлоқларимга тез-тез эслатиб тураман. Мустақиллик, юрт, Президент олдида қарзларимиз кўп. Уларни узиш учун виждонан меҳнат қилмоғимиз керак.

Райим отанинг шукроналикка йўғрилган ушбу сўзлари ҳамон қулоқларим остида жаранглайди...

**Усмон НАВРЎЗ,**
**Бухоро вилояти.**

Янгийўл «АПКО Лаззат» акциядорлик жамияти

**2002 йил 30 март куни соат 9.00да Янгийўл шаҳрининг Самарқанд кўчасида жойлашган маданият уйи биносида акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказади. Акциядорларни рўйхатга олиш шу куни соат 8.00дан бошланади.**

КУН ТАРТИБИ:

1. Раҳбариятнинг «АПКО Лаззат» фаолияти ҳақидаги ҳисоботи, корхона баланси,ҳисоб рақамлар,2001 йилги фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш.
2. «АПКО Лаззат» корхонасининг 2001 йилги фаолияти якунларига кўра аудитор ташкилотнинг хулосасини тасдиқлаш.
3. «АПКО Лаззат» корхонасининг 2001 йилги фаолияти якунларига кўра тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш.
4. «DALIL-audit» МЧЖ — аудиторлик фирмасининг аудитор сифатида тасдиқлаш.
5. Ижроия орган раҳбари номзоди — директор билан меҳнат битими ва унинг иш ҳақи миқдорини тасдиқлаш.
6. Фойдани тақсимлаш,«АПКО Лаззат» корхонасининг 2001 йилги фаолияти натижаларига кўра,бир дона оддий ва имтиёзли акцияга тушадиган дивиденд миқдори ҳамда тўлов тартиби муддатини тасдиқлаш.
7. «АПКО Лаззат» корхонасининг 2002 йилги вазифалари,даромад ва сарф-харажатлар балансини тасдиқлаш.

**Кузатув кенгаши.**

ЯНГИЙЎЛ «АПКО ЛАЗЗАТ» акциядорлик жамиятининг 2001 йил

БАЛАНСИ

| № | | сальдо (минг.сўм.) | |
|---|---|---|---|
| | | Актив | Пассив |
| 1. | Асосий воситалар | 173653 | |
| 2. | Номоддий активлар | 7798 | |
| 3. | Узоқ муддатли инвестициялар | 12832 | |
| 4. | Ишлаб чиқариш заҳиралари | 518429 | |
| 5. | Тугалланмаган ишлаб чиқариш | — | |
| 6. | Тайёр маҳсулот | 142363 | |
| 7. | Келгуси давр сарфлари | 2520 | |
| 8. | Пул маблағлари | 9607 | |
| 9. | Етказиб берувчилар билан ҳисоблашишлар | 12289 | |
| 10. | Бюджет билан ҳисоблашишлар | 8391 | |
| 11. | Бошқа дебиторлар | 5482 | |
| 12. | Устав капитали | | 209388 |
| 13. | Резерв капитали | | 36700 |
| 14. | Тақсимланмаган фойда | | 75228 |
| 15. | Мақсадли тушумлар ва фондлар | | — |
| 16. | Қисқа муддатли кредитлар | | 241500 |
| 17. | Олинган бўнаклар | | 14521 |
| 18. | Етказиб берувчилар билан ҳисоблашишлар | | 14493 |
| 19. | Бюджетга қарзлар | | 51288 |
| 20. | Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар | | 34260 |
| 21. | Ижтимоий суғурта бўйича қарзлар | | 10603 |
| 22. | Бюджетдан ташқари қарзлар | | 843 |
| 23. | «Ўзозиқовқатсаноат» уюшмасига қарзлар | | 7343 |
| 24. | Бошқа кредиторлар | | 197197 |
| | **БАЛАНС** | **893364** | **893364** |

*2001 йил бўйича молиявий натижа — **175218 минг сўм,** ундан соф фойда — **75228 минг сўмни ташкил этди.***

5350/323

*2001 йил бўйича аудиторлик текширув «Консаудитэксперт» аудитор фирмаси томонидан амалга оширилди, лицензия № 00060 серия — АФ.*

Сарҳисоб сабоқлари

# ҲУНАРЛИ БОЛА ИШСИЗ ҚОЛМАЙДИ

## *Бунинг учун шароит етарли, аммо ...*

«Фарзандларимиз дунёдаги бошқа халқларнинг фарзандларидан зиёда бўлса бўлсинки, кам бўлмасин...». Бу — мамлакатимиз раҳбарининг эзгу мақсади. Бу — халқимизнинг орзу-нияти. Бу — фарзандларимизнинг баркамол авлодлар бўлиб вояга етиши учун ҳамма нарсани қилаётган давлатимиз фаолияти ва сиёсатининг бош мазмун-моҳиятидир.

Хўш, болаларимизнинг ҳаётда йўли ёруғ, толеи зиёда бўлиши учун нима зарур? Энг аввало, ёшлар замонага зарур касб-ҳунар ва мутахассисликларни эгаллашлари, шу орқали ҳаёт корига, жамият хизматига ўзларини шайлашлари даркор. Бунинг учун ўқиш, касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида таълим олиш талаб қилинади. .

Яқинда Вазирлар Маҳкамасида ўтган йил сарҳисоби ва 2002 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисда Президентимиз мана бундай дедилар:

> **«Агар масалага чуқурроқ ёндашсак, ишсизларнинг кўпчилиги, аксарият ҳолларда, тегишли касбий тайёргарликка эга бўлмаган ёшлар эканлиги маълум бўлади».**

Ҳозир биз бозор иқтисодиёти шароитида яшаяпмиз. Бундай даврда иш ўринлари учун ҳам рақобат пайдо бўлади ва у кундан кунга кучайиб боради.

Мамлакатимизда ёшлар ишсизлик муаммосига айтарли дуч келмаслиги учун давлат миқёсида катта ишлар қилинмоқда. Масалан, йилдан-йилга кўпайиб бораётган касб-ҳунар коллежларининг эшиклари ёшларимизга очиқ. Бундай даргоҳларда улар, камида 2-3 тадан касб-ҳунарни эгаллаб чиқишади. Бир неча касбни эгаллаган одам эса ҳаётда ишсиз қолиши мумкин эмас.

Табиийки, мамлакатда билим олишга, касб-ҳунар эгаллашга интилувчи ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Улар таълимнинг турли босқичларида ўқиб, замонавий



малакага эга бўлмоқдалар. Бундай ёшлар Асакадаги автомобиль заводида, Бухоро нефтни қайта ишлаш корхохонасида, Шўртан газ-кимё мажмуида ва ошқа замонавий корхоналарда энг сўнгги компьютерлар билан бемалол тиллашмоқдалар, сўнгги, илғор техника ва технологик жараёнларни бошқараётирлар. Улар бир неча чет тилларни билишади. Бир вақтлар «Саноатга, техникага тиши ўтмайди», деб таҳқирланган халқимиз бугун ана шундай фарзандларга эга. Энди тасаввур қилинг: ўқимаган, замонавий малакага эга бўлмаган ёшлар биз юқорида санаб ўтган саноат марказларида ишлай оладиларми? Албатта, йўқ. Мана, ёшлар олдига замон қандай талабларни қўймоқда. Ёшлар ҳам замоннинг юксак талаблари даражасида касбий тайёргарликка эга бўлишлари шарт.

Иш ўринлари учун рақобат кучайган ҳозирги шароитда ҳатто барча касб-ҳунар эгалари, мутахассислар ҳам тўлиқ иш билан таъминланмасликлари мумкин. Нега? Чунки, касб-ҳунарни енгил-елпи, юзаки эгаллаган кишилар рақобатга чидай олмайди. Дарҳақиқат, бирон имморат қураман, деб орзу-ҳавас қилсангиз, устанинг энг моҳирини излай бошлайсиз-ку?! Ҳаммага ҳам бу ишни ишонавермайсиз. Ҳаётда ҳамиша шундай. Ҳамма нарса танланади. Ҳатто касб-кор эгалари ҳам. Ўз ишига пухта одамга хизмат, юмуш топилади.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида ёшларни касбий йўналтириш тизимига доир бошқа жиддий муаммолар ҳам кўрсатиб ўтилди. Масалан, шундай бўлаяптики, ёшларимиз учун айрим таълим йўналишларига алоҳида қизиқиш «мода» тусини олмоқда. Масалан, ҳуқуқшунослик, иқтисодчилик, халқаро муносабатлар ва тиббиёт соҳаларига қизиқиш. Бундай олий ўқув юртларига танлов йил сайин кучаймоқда. Ушбу йўналишлардаги ўқишга кираётган ёшлар орасида соҳаларига чин дилдан берилиб, Ватанга, халққа фидойиларча хизмат қилишни ният этганлари оз эмас, албатта. Лекин, масалан, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт соҳасида ўқиётган ҳамма ёшлар шундайми? Афсуски, уларнинг орасида бу йўлга тасодифан, ё ота-оналарининг йўл-йўриқлари билан, ёки ўзларининг: «Бу соҳада ўқисанг, келажакда кам бўлмайсан» деган содда қарашлари асосида кириб қолганлари ҳам озмунча эмас. Бундайлардан қанақа қилиб баркамол, етук, ҳалол, пок ҳуқуқшунос ёки иқтисодчи чиқиши мумкин? Вақти келиб, уларни ўз эгаллаган касбларидан, мутахассисликларидан «ҳаётдан кам бўлмаслик» учун фойдаланмайди, деб ким кафолат бера олади? Ҳозирги касб танлаш жараёнида бундай муаммолар ҳам йўқ эмас.

Халқимизнинг нияти тоза: болаларимиз кам бўлмасин, деймиз. Аммо улар «кам бўлмаслик»ка тўғри йўлдан бориб, меҳнат билан, ҳалол саъй-ҳаракатлар ва интилишлар билан эришсин. Чунки дили пок инсоннинг йўли ҳам албатта пок бўлади.

Шу боисдан, Президентимизнинг юқоридаги маърузасида давлат олдида ёшларни касбга йўналтириш тизимининг самарадорлигини ошириш вазифаси турганлиги таъкидланди. Тегишли вазирликларга эса ана шу муаммони ҳал этиш бўйича махсус дастурлар тайёрлаш топширилди.

Бундай дастур жуда зарур. Дарҳақиқат, йил сайин кўпайиб бораётган ўрта махсус ва олий таълим тизимида ўқиётган ёшларни иш билан таъминлашни тартибга солиш заруриятини ҳаётнинг ўзи тобора кўндаланг қўймоқда.

Назаримизда, бунда айрим масалаларга жавоб ҳам топилиши керак бўлади. Масалан, нега ёшлар айрим касб, мутахассисликларга зўр интилишлар билан қараяптию, бошқа кўплаб касб-ҳунарларга эътибор анча суст? Бизнингча, ана шу кўплаб бошқа касб-ҳунар ва мутахассисликларда ҳам инсоннинг манфаатдорлигини ошириш долзарб масалалардан бўлиб турибди. Бунинг устига, кадрлар тайёрлашда ҳозирги шароитда тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликка катта аҳамият берилаётганлиги ҳам инобатга олиниши керак. Таълим олаётган ёшлар ана шу йўналишларда ҳам ўзларини кўрсатишсин.

Халқимизга турли-туман касб-ҳунар эгалари керак. Меъмор ҳам, дизайнер ҳам, боғбон ҳам, тракторчи ҳам, чўпон ҳам, ўқитувчию боғча ходимаси ҳам, тикувчию тўқувчи ҳам... Касбнинг ёмони бўлмайди. Ҳамма касб-ҳунарларга ҳаётда эҳтиёж бор. Ўсаётган кадрлар қанчалик кўп, ранг-баранг касб-ҳунарларни эгалласалар, ҳаёт ҳам шу қадар обод ва фаровон бўлади.

**М. САФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 26 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/***

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 355,74 |
| 1 Австрия шиллинги | 44,05 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 991,85 |
| 10 Бельгия франки | 150,26 |
| 1 Голландия гульдени | 275,06 |
| 10 Греция драхмаси | 17,80 |
| 1 Дания кронаси | 81,61 |
| 1 БАА дирҳами | 188,77 |
| 1 АҚШ доллари | 693,31 |
| 1 Миср фунти | 150,72 |
| 10 Испания песети | 36,43 |
| 100 Италия лираси | 31,31 |
| 1 Канада доллари | 434,19 |
| 1 Хитой юани | 83,77 |
| 10 Люксембург франки | 150,26 |
| 1 Малайзия ринггити | 182,47 |
| 1 Германия маркаси | 309,93 |
| 1 Польша злотийси | 166,38 |
| 1 СДР | 863,05 |
| 1000 Туркия лираси | 0,50 |
| 1 Финляндия маркаси | 101,95 |
| 1 Франция франки | 92,41 |
| 1 Швейцария франки | 409,98 |
| 1 ЕВРО | 606,16 |
| 10 Жанубий Корея вони | 5,28 |
| 10 Япония иенаси | 51,84 |
| 1 Россия рубли | 22,48 |
| 1 Украина гривнаси | 130,28 |

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Камол топиб келаётган ёш авлод қалбида она-Ватанга садоқат, истиқлол ғояларига ҳурмат туйғусини шакллантиришда ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси алоҳида ўрин тутади. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ёшлар билан ишлаш учун 2002-2003 йилларга мўлжалланган амалий дастурида ушбу йўналишга алоҳида аҳамият қаратилган. Пойтахт мактабларининг ўқувчилари, ҳарбий хизматга чақирилувчилар, ҳарбий билим юрти курсантлари иштирокида ўтаётган ватанпарварлик, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик каби фазилатларни шакллантиришга қаратилган учрашувлар ва давра суҳбатлари ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Пойтахтдаги ҳарбий бўлинмалардан бирида бўлиб ўтган шундай тадбирда мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар фаоллари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бугунги кунда ҳарбийлар зиммасига юртимиз мустақиллиги, тинчлиги, хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, бахтли келажагимизни асрашдек масъулиятли ва шарафли вазифа юклатилганини таъкидлади. Зеро, чақириққача ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш фарзандларимизни Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга тайёрлашнинг таркибий қисми ҳисобланади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Ўз нуфузи, ўз овози ва ажойиб анъаналарига эга бўлган «Мулоқот» журналининг ҳар бир сонини журналхонлар доимо зўр иштиёқ ва интизорлик билан кутиб оладилар.**

**Яқинда ушбу журналнинг 2002 йилнинг январь-февраль ойларига мўлжалланган 1-сони босмадан чиқди.**

# «МУЛОҚОТ»

## Журналининг янги сони




Журнал тарихий ҳужжат — Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг «Ушбу журнал ташкил этилганига ўн йил тўлиши муносабати билан йўллаган «Мулоқот» журнали таҳририятига» деб номланган мактуби билан очилади. Журнал фаолиятига муносиб баҳо берилган юқоридаги хатда шундай дейилган: «Мулоқот» журнали ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Прездиенти Ислом Каримов бошчилигида республикамизда юритилаётган туб ислоҳотлар сиёсатининг изчил тарғиботчисига, умумбашарий ва миллий қадриятлар уйғунлашган истиқлол маънавиятининг яловбардорига айланди». Шунингдек, унда журналда босилаётган ижтимоий-сиёсий, фалсафий, тарихий ва бадиий асарларнинг кенг жамоатчиликка манзур бўлаётганлиги ҳам таъкидланган.

Саҳифалардан ўрин олган таниқли журналист Р.Рауповнинг Самарқанд давлат чет тиллари институтининг ректори, Халқаро Нью-Йорк академияси ва халқаро Ижод академияси (Москва) академиги Юсуф Абдуллаев билан бўлган «Жаҳон таълими ислоҳ талаб этади» деб номланган суҳбатида жаҳон таълим жараёнидаги янгиликлар, муаммолар чуқур таҳлил этилган, юртимиздаги халқаро алоқалар самараси кенг тушунтириб берилган.

Х.Самибоевнинг «Ватан — маҳалладан бошланади» сарлавҳали мақоласида маҳалладошлик муносабатлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришда эришган ютуқлари ҳар томонлама изоҳланган, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий сиёсати фуқаролик, ҳуқуқий жамият қуришдаги илк тажрибалар баён қилинган.

«Истиқлол ва янгича фикр» мақоласи ҳам диққатга лойиқ. Унда ҳозирги давр ўзбек адабиётшунослиги олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритилади.

Эрмат Искандаровнинг «Таълим соҳасидаги сармоялар» мақоласи эса таълим самарадорлигини оширишга доир муҳим мулоҳаза ва таклифлар билан диққатга сазовордир.

«Ўзбек лингвистик автомати», «Матбуот тили», «Самарқанд дорилфунунида навоийшунослик», «Ҳар оиланинг сардори бор», «Қонуншуносликда атамаларнинг аҳамияти», «Қалбимдаги шаҳар», «Масофадан ўқитиш — давр талаби», «Ноидек азиз одамлар», «Саховат»нинг саховатли одамлари» каби мақолаларда бугуннинг долзарб муаммолари ўз аксини топган. Уларни ўқиган журналхон бунга амин бўлади.

Жаҳон фан ва маданияти арбоблари, сиёсатдонлар фаолиятини ёритишга ушбу сонда ҳам ўрин ажратилган. Филология фанлари доктори Иброҳим Худоёрнинг (Эрон) «Хуморсиз шароб», Мухтор Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон университетининг ўқитувчиси Е.Онарнинг «Клуб муассасаларига ижтимоий эҳтиёж» мақолалари бунга мисол бўла олади.

Шунингдек, журнал саҳифаларида, адабиёт, санъат, спорт мавзуларига доир муҳим янгиликлар, ёш, таниқли шоир ва адиблар ижодидан намуналар босилган.

**Неъмат ЁҚУБОВ,**
**бўлим мудири.**

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК

"Lok Kolor Sintez" QK

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНА

Лак-бўёқ маҳсулотлари таклиф этади:

Қурилиш эҳтиёжлари учун:

- уй ичларини бўяш учун акрил вододисперсион бўёқлари;
- ташқи деворлар учун бўёқлар;
- том учун бўёқлар;
- алкид ва акрилат эмаллари;
- полларни бўяш учун бўёқлар;
- ёғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар;
- грунтовка ва шпатлевкалар;
- L 80,100,120мм.ли михлар;
- эмульсиявий,силикатли елим.



Саноат эҳтиёжлари учун:

- универсал алкид бўёқлари;
- универсал алкид лаклари;
- том учун бўёқлар;
- алкид-уретан эмаллари;
- акрилат эмаллари;
- грунтовка ва шпатлевкалар.

Тўлов - пул ўтказиш йўли билан.

Сифатли хорижий хомашёдан тайёрланган, конструкцияларни қўлда ёйсимон пайвандлаш учун мўлжалланган

MP-3 русумли ЭЛЕКТРОДЛАР

Ўзи ишлаб чиқарган тикувчилик маҳсулотлари

ИШ КИЙИМЛАРИ:



- узун енгли эркаклар иш костюми;
- калта енгли эркаклар иш костюми;
- эркаклар ярим комбинезони;
- аёллар ярим комбинезони;
- аёллар иш бермудалари;
- аёллар иш фартуклари;
- эркаклар учун иссиқ иш курткалари;
- йўл хизмати ходимлари жилети;
- аёллар тиббий халати;
- эркаклар тиббий халати;
- эркаклар иш халати;
- ошпазлар курткаси;
- ошпазлар бош кийими;
- ички кийимлар;
- қўлқоплар,

шунингдек, мижозлар буюртмасига кўра, бошқа махсус кийимлар.

Кўрпа-ёстиқ буюмлари:

- кўрпа жилдлари;
- чойшаблар;
- турли ўлчам ва рангли ёстиқ жилдлари;

шунингдек:

- дастурхонлар;
- дастурхон ва 6 та ип газламали салфетка;
- ип газламали салфетка;
- 85x50 ўлчамдаги сочиқлар.

Тошкент ш., «Фарғона йўли» к., 13/22. Телефонлар: (998-71) 191-47-41, 191-80-94. Факс (998-71) 191-74-63. E-mail: lokcolor@online.ru

5300/138

# ҲАЗРАТ ХОЖАИ ЖАҲОН ҲИКМАТЛАРИ

**Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний (1103-1179) буюк валиюллоҳ, улкан педагог-тарбиячи, атоқли аллома, файласуф, шоир, адиб, ўз замонасининг қутби, хожагон-нақшбандия тариқати ривожига муҳим ҳисса қўшган пири муршид бўлиб, Хожаи Жаҳон (Жаҳоннинг Хожаси, Жаҳоннинг буюги) номи билан бутун дунёга машҳур.**

Ул зоти шариф «Насиҳатнома», «Мақсадус соликин», «Маслакул орифин», «Рисолаи саҳобия», «Маноқиби шайхул шуюх ҳазрат Хожа Юсуф Ҳамадоний», «Одоби тариқат» каби китоблар ва бир қатор чуқур фалсафий мазмунли рубоийлар муаллифи ҳисобланади.

Хожа Абдулҳолиқ Бухоро вилоятининг Ғиждувон тумани марказида туғилган ва шу ерда марҳум бўлган. Қабрлари Ғиждувон шаҳри марказида. Бу зиёратгоҳ ёнида тошқудуқ бор. Унинг суви шифобахшдир. Шунингдек, мозорларининг қибла томонида Мирзо Улуғбек қурдирган мадраса ҳозирги кунгача сақланган. Мозорнинг шимолида Ғиждувоний жомеъ масжиди бор. Бу маскан истиқлол шарофатидан намозхонлар ихтиёрига берилгандир.

Хожа Абдулҳоликнинг отаси Имом Абдулжамил ғоят тақводор, ориф, соҳибкаромат авлиё эди. У Имом Молик (713-795) авлодларидан ҳисобланади. Ҳазрат Абдулҳолиқ Ҳазрат Хизр а.с., Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний. Имом Садриддин, Ниёз Хоразмий (Бобойи Лақлақаги)лардан таълим олган,

Ҳазрат Абдулҳолиқ ҳақида Хожа Порсонинг «Фаслул хитоб», Жомийнинг «Нафоҳатул унс», Навоийнинг «Насоимул муҳаббат», Али Сафийнинг «Рашаҳоту айнул ҳаёт», Носириддин Тўранинг «Туҳфат аз зоирин», Аҳмад ибн Маҳмуд Муллозоданинг «Тархи Муллозода» китобларида ва бошқа манбаларда маълумот берилгандир.

Ғиждувонийнинг Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиёи Кабир (Калон), Хожа Сулаймон Карманий, Хожа Ориф ар Ревгарий, Садр ал Кабир Бурҳониддин ва бошқа юзлаб ҳаққа етган, баркамол инсон — муридлари бўлган.

Ҳазратнинг руҳлари Ҳазрат Баҳоуддинни тарбият қилган. Хожаи Жаҳоннинг шогирди Авлиёи Кабирга қилган насиҳатлари XXI асрда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Бу насиҳатларга ўз вақтида Баҳоуддин Нақшбанд қай даражада амал қилган бўлса, айни шу кунда ҳам бутун дунёдаги нақшбандия пиру муридлари шундай амал қилмоқда.

Ғиждувоний дейдики: «Эй фарзанд! Илм ўрган ва унга амал эт. Тақводор бўл! «Бу ҳикмат пайғамбар алайҳиссаломнинг «Иймон билан амал бир-бирига жуда яқин. Улар бир-бирисиз дуруст эмас», — ҳадислари ҳосиласидир.

Абдулҳолик илм билан бирга одобни ҳам ўрганмоқ кераклигини, халқ билан ҳеч қачон низо этмасликни таъкидлайди. Зеро одобсиз одам Аллоҳнинг лутфу марҳаматидан маҳрум. Ундан ҳамма безор. Халқ билан низо қиладиган, у билан муроса қилмайдиганлар ҳамманинг нафратига дуч келади.

Ҳазрат Абдулҳолиқ суннатга амал қилмоқ, аҳли суннат ва жамоадан ажралмаслик, раҳбарларга итоат қилмоқ, дунёвий ортиқча орзу-ҳавасларга ҳирс қўймасликка чақиради. Хусусан, Ҳазрат таъмагирликдан шогирдларни қайтарган: «Ҳеч кимдан бирор нарса таъма қилма. Барча махлуқлардан умидингни уз. Ёлғиз Аллоҳгагина таваккал эт ва ундангина сўра! Ҳалол меҳнат қил, покиза кийин. Лекин ташқи томонингни безашга ружу қилма, зеро ташқи томонни безаш ички оламнинг хароблиги ва ифлослигининг аломатидур. Кийиминг эски, лекин покиза бўлсин.» Хожа Ориф ар Ревгарийнинг «Орифнома» асарида Ғиждувонийнинг қуйидаги ҳикматлари келтирилган: «Орифнома»да Ғиждувоний дейди: «Ислом асоси уч нарсадир: биринчиси — ҳар тоате ва ибодатки айларсиз — анинг илмидан воқиф бўлинг. Иккинчи — ҳар илмники ўрганибсиз — унга амал қилинг! Учинчиси — ҳар амалники этгайсиз — сидқу ихлос билан адо этгайсиз.»

Шариат илмини, тоат илмини билмайдиган, исломга кўр-кўрона амал қиладиганлардан «ваҳҳобия», «хизбут таҳрир»чи ва бошқа ботил фирқалар чиқади-да! Шу боис Ҳазрат ақидапарастлик, илмсизликдан шогирдларни қайтарган. Ҳазратнинг қуйидаги рубоийси ҳам ибратлидир:

*Гар сенга бировдан шикоят бордур,*
*Дарди дилинг ундан бағоят бордур.*
*Ёмонлиги ўзи ёмонга — жазо,*
*Интиқом олмоққа на ҳожат бордур!*
(Таржима муаллифники).




Ҳазратнинг ушбу рубоийсида катта ҳикмат, улуғ ибрат бор. Яъни, дилозор одам доимо ғаму кулфатга гирифтор. Дилозордан Худо безор. Бу одам ўзи балойи азимга гирифтор. Ёмон иллатининг ўзи унга берилган жазо ҳисобланади. Демак, биз ундан интиқом олайлик демайлик. Чунки у аллақачон ўз жазосини олган.

Ҳазрат бизни беозорликка, некбинликка, сабру қаноатга даъват қиляпти.

Ҳазрат Хожаи Жаҳонни бугун Ғарбу Шарқ ўрганмоқда. У кишининг асарлари бутун бани башарга хизмат этаётир. Аллоҳ мустақиллигимизни барқарор этсин.

**Садриддин Салим БУХОРИЙ.**




# ХАЙР, СОЛТ-ЛЕЙК, САЛОМ, ТУРИН!

**Шу йилнинг 8 февраль куни АҚШнинг Солт-Лейк шаҳрида старт олган навбатдаги оқ олимпиада ҳам тарих саҳифаларига муҳрланди. Ўйналган жами медаллар соҳиблари саналганда германиялик спортчиларга етадигани бўлмади. Шунинг учун ҳам улар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Кейинги поғоналарни эса норвегиялик ва мезбон олимпиадачилар банд қилишди. Олимпиада давомида кўпгина шов-шувларга сабаб бўлган Россия вакилларига умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўрин насиб этди.**

**Мазкур Олимпиада Ватанимиз спортчилари учун жуда катта тажриба мактаби бўлгани билан аҳамиятлидир. Олти нафар вакилимиз океан ортидан медалсиз қайтган эсада нуфузли мусобақада Ўзбекистон байроғи остида қатнашишнинг ўзи кўп нарсадан дарак беради. Зеро, Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳаммага насиб қилавермайди.**

**Шундай қилиб, Солт-Лейк-Ситидаги машъала ўчирилди. Халқаро олимпия қўмитаси президенти Жак Рог мусобақаларни ёпиқ деб эълон қилар экан, барчани кейинги оқ олимпиадага — 2006 йил Италиянинг Турин шаҳрига таклиф қилди.**

Озод БЕК,
«Халқ сўзи» мухбири.

# МОЗИЙ БИЛАН ТИЛЛАШИБ...

Ҳиндистон маданият марказида иқтидорли мусаввир Алишер Алиқуловнинг "Ўтган кунлар" мавзуидаги асарлари кўргазмаси очилди. Унда муаллифнинг "Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан қилган ғалабаси", "Мангубердининг душман қуршовини ёриб ўтиши", "Ўзбекистоннинг буюк шахслари", "Лайли ва Мажнун" каби йигирмадан ортиқ картинаси намойиш этилаётир.

Айтиш жоизки, А.Алиқулов яратган асарларнинг деярли барчаси тарихий мавзуда бўлиб, картиналарда аждодларимиз босиб ўтган қаҳрамонона йўл, улар қолдирган бебаҳо мерос ҳақида ҳикоя қилинади. Мазкур асарлар мамлакатимизнинг кўплаб музейларидан ўрин олган. Шунингдек, А.Алиқулов картиналари хорижий мамлакатларда ҳам кўп бор намойиш этилган.

Кўргазма 4 мартга қадар давом этади.

**Ҳулкар СОДИҚОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ҲИКМАТ

*Айла мустаҳкам ишингни, эй ўғил,*
*Ҳар нима ҳикмат эли дер, қил қабул.*

## САВОЛ БИЗДАН...

**Арабчада «дарё ортидаги юрт — ерлар» деган маънони билдирувчи жўғрофий тушунча қандай аталади?**

**136-35-60**

*Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:* Депутат.


Реклама ва эълонлар 136-09-25

## «ЎЗАВТОСОЗЛАШ ТЭРЗ-8»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги 587-ф рақамли фармойиши ва очиқ акциядорлик жамиятининг 2001 йил 25 октябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига мувофиқ "Ўзавтосозлаш ТЭРЗ-8" очиқ акциядорлик жамиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган.**

**Шу асосда акциядорлик жамияти акциядорларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан жамият акцияларини сотиб олиш бўйича ўртача тармоқ коэффициентини қўллаган ҳолда олди-сотди шартномалари ишлари олиб борилмоқда. Шартномалар 2002 йилнинг 20 мартига қадар давом этади.**

*Шартномаларни тузиш юзасидан Тошкент шаҳар, Ойбек кўчаси, 47-уйда жойлашган "Ўзавтосозлаш ТЭРЗ-8" очиқ акциядорлик жамияти тугатиш комиссиясига ёки Тошкент шаҳар, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига мурожаат қилишингиз мумкин.*

Алоқа учун телефонлар: 139-20-21, 139-20-27.

5360/298

## «ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ЮРИДИК БЎЛИМИ БОШЛИҒИ ВАЗИФАСИГА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ЮРИСТ МУТАХАССИСНИ ТАНЛОВ АСОСИДА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.



*Ойлик маоши юқори даражада белгиланиб, хизмат машинаси билан таъминланади.*

*Мурожаат қилиш муддати бир ой.*

*Телефон: 8-436-223-42-71, факс 8-436-22-05-66.*

Маъмурият.

5362/347


# КИТОБ... ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ



Бу тажриба адабиёт ихлосмандлари ва китоб савдоси ходимлари учун ғоят қўл келаётир.

Аслида хўжаободликларнинг мақсади ҳам шу эди. Одамлар вақт топиб, кўпроқ китоб мутоала қилишсин. Негаки, кўп ўқиган одамнинг маънавияти ҳам, дунёқараши ҳам бошқаларга нисбатан юқорироқ бўлади.

Китоб дўкони мутасаддилари ишни янги усулда ташкил этиш мақсадида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси билан икки томонлама шартнома тузишди. Компания туман марказида фирма дўкони очиш, уни «Шарқ»да чоп этилаётган ранг-баранг адабиётлар билан таъминлашни ўз зиммасига олди. Хўжаободлик мутасаддилар ана шу китобларнинг бир қисмини энг арзон нархларда маълум муддатга ижарага беришни йўлга қўйишди. Бу тажриба ўзини тўла оқлаяпти.

Излаган имкон топади, деб шуни айтсалар керак-да.

**О.ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ЖАҲОНДА ЭЛЕКТР УСКУНАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ПЕШҚАДАМ Makita КОРПОРАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАЙДИ ВА ҲАМКОРЛИККА ДИЛЕРЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

КАФОЛАТ. СЕРВИС ХИЗМАТИ.



- ✓ ПЕРФОРАТОРЛАР
- ✓ АВТОМАТИК БОЛҒАЛАР
- ✓ ЭЛЕКТР ДРЕЛЛАР
- ✓ ШУРУП БУРОВЧИЛАР
- ✓ МЕТАЛЛ ҚАЙЧИЛАР
- ✓ СИЛЛИҚЛАШ МАШИНАЛАРИ
- ✓ РАНДАЛАР
- ✓ ДИСКЛИ АРРАЛАР
- ✓ АККУМУЛЯТОРЛИ АСБОБЛАР

БАРЧА АСБОБЛАР ЕВРОСТАНДАРТГА МУВОФИҚ

Makita — СИФАТ ВА ИШОНЧЛИЛИК БЕЛГИСИ.

Тошкент ш.,700000, В. Малясов к., 3, 113 - 115-хона.
Тел.:(998-71) 120-68-36, 110-20-36, (998-712) 41-31-24.
E-mail: malvil@operamail.com

4674

Ташкилот Тюмень ва Иглинск заводларида ишлаб чиқарилган тарозиларни сотади РН-10Ц 13У до 10 кг., РП-100Ш 13М1



*Ўта ишончли, тўғри ва сифатли тарозилар – бу Тюмень ва Иглинск заводларининг Ўзбекистондаги дистрибьюторидан сизлар учун.*

*Ҳохлаган шаклда пул тўлаш мумкин. Нархлар паст.*

Тел.: 30-70-50, 55-33-54.

## «ЎЗАВТОСОЗЛАШ-ТЭРЗ № 8»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

*РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОРҚАЛИ КЎЧМАС МУЛК ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИ БЕЛГИЛАГАН НАРХЛАРДА: СТАНОКЛАР УСКУНАЛАРИ, АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ВА МУЛКНИ САВДОГА ҚЎЯДИ.*

Фойдали ўсимликлар экстрактидан тайёрланган. Ўрганиб қолмайсиз

# НОВО-ПАССИТ®

*ҚЎРҚМА, МЕН СЕН БИЛАН!*

Тинчлантирувчи табиий дори




Galena

Рўйхатдан ўтган Б-250-95 №12997

## Ҳурматли тадбиркор жаноблар !

*Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ўз мижозларига энг қулай шароитлар яратиш мақсадида*

# «АСАКА» БАНКИ

**2002 йил 1 февралдан бошлаб банк амалиётларининг асосий йўналишлари бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини такроран**

**30%дан 50%гача**

**камайтирганини эълон қилади.**

"Асака" банки Ўзбекистон молия бозорида 1996 йилдан бери фаолият юритиб, республиканинг барча вилоятларида ўз филиаллари ва бўлимларига эгадир.

Жисмоний ва юридик шахсларга миллий ва чет эл валютасида барча банк хизматларини кўрсатмоқда.

**«Асака» банки сизни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлайди !**

ASAKA BANK

**Маълумот учун телефонлар:**
**120-83-83, 120-81-62,120-82-98, 120-82-66.**
**Манзилимиз:**
**700015, Тошкент шаҳри, «Нукус» кўчаси, 67-уй.**
**Банк филиаллари — Нукус шаҳри ва барча вилоятлар марказларида.**

5272/101


Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Жиззах вилояти божхона бошқармаси бошлиғи Валериан Маткаримовга синглиси

**Роза МАТКАРИМОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Пахта Банк» акциядорлик тижорат банки жамоаси банкнинг Саноат ва истеъмол бозорини кредитлаш бошқармаси бошлиғи С. Жабборовга отаси

**Саврон ЖАББОРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси «Сиёсатшунослик» кафедраси мудири Раҳмон Фармоновга волидаи муҳтарамаси

**КИМЁ онанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 83, 34610 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ.
Навбатчи — М. НОРМАТОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.20*
1 2 3 4 5 6